



halol.uz

Зино қилса, алкоғолли ичимликлар ичса, унинг иймони кетадими?

Ассалому алайкум! Бизда бир савол бор эди. Ўқиганимиз бўйича, агар бир мусулмон арок ёки алкоғолли ичимликлар истеъмол қилса, унинг иймони кетиб, 40 кунлик ўқиган намозлари, тутган рўзалари ва ибодатлари қабул бўлмас эмиш. Шу нарса канчалик рост, изох берсангиз. Олдиндан раҳмат.

Жавоб (Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, роҳимахуллох)
Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.
Бу саволингизга иккита ҳадис ва уларнинг шарҳи ила жавоб берамиз.

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Банда зино килаётган пайтида унинг мўминлик холи колмас, ўгрилик килаётган пайтида унинг мўминлик холи колмас, ичкилик ичаётган пайтида унинг мўминлик холи колмас ва котиллик килаётган пайтида унинг мўминлик холи колмас», – дедилар».

Абу Хурайра ушбу хадиснинг ривоятида:

«Сўнгра тавба кўндаланг килингандир»ни зиёда килди.

Бешовлари ривоят килишган.

Шарх: Гунох иш килиши туфайли банданинг иймониغا футур етишини ушбу хадиси шарифдан англаб оламиз.

Зинокорлик, ўгрилик, майхўрлик ва котиллик жуда огир гунохи кабийралардандир. Бу ишларнинг барчасини Аллох таоло катъиян манъ килган. Ана шунга карамай мазкур гунохи азимларга кўл урган банданинг иймониغا футур етишига шубха йўк. Аммо, иймонга футур етишликнинг даражаси бир неча хил бўлади. Агар банда мазкур жиноятларнинг харомлигини, шариатнинг бу борадаги хукмини билиб туриб, кайсарлик ила ўзича халол санаб килса, кофир бўлади. Бу ҳақда ҳеч қандай шак-шубха йўк. Аммо банда бошқа ҳолатда мазкур ишларни килса, ўша ишни килаётган пайтида иймони ундан чиқиб туради. У ишни килиб бўлганидан кейин афсус надомат чекиб, тавба килса, иймони қайтиб кириши мумкин.

Бу маънони тушунишга имом Абу Довуд келтирган бошқа бир ривоят ёрдам беради.

Унда: «Агар киши зино килса, иймони ундан чиқиб боши устида булутга ўхшаб туради.

Қачонки, ўша ишдан тамомийла қайтса, иймони унга қайтиб қиради», дейилган.

Бу ҳолат иймон нима эканлигини тушуниб етган киши учун катта ахамият касб этади.

Иймон инсон учун энг азиз нарсадир. У, ўзини билган одам учун жондан ҳам азиздир.

Чунки, жоннинг азизлиги, аслида, иймон биландир. Иймонсиз жоннинг ҳеч қандай қиймати йўқдир. Иймондан айрилиши, иймоннинг бир муддат ўз эгасидан ажраб чиқиб туриши огир мусийбатдир, аслида.

Шунинг учун ҳам, Аллох таоло харом килган ишларга мутлако яқин йўламаслик керак.

Харом нарса еган кишининг дуоси қирк кунгача қабул бўлмайди.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васалламга:

«Ё Расулаллох, мени дуоси қабул бўладиганлардан қилиб қўйинг», – дедим. Ул зот:

«Эй Анас, касбингни пок қилгин, дуоинг қабул бўлур. Чунки, бир одам огзига бир лукма харомни солса, қирк кунгача дуоси ижобат бўлмас», – дедилар», деб айтганлар.

Бешовларидан факат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Бу масала ҳақидаги тушунчангизни юкоридаги маълумотлар асосида тўғрилаб олинг.

Валлоху аълам.

"Зикр ахлидан сўранг" китобидан